



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
ИЧКИ НАЗОРАТ  
(КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИ  
ЖОРИЙ ЭТИШ БҮЙИЧА

# ҚҰЛЛАНМА

(Тұлдирілған янги нашр)



ТОШКЕНТ-2022





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
ИЧКИ НАЗОРАТ  
(КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИ  
ЖОРЙИ ЭТИШ БҮЙИЧА**

**ҚҰЛЛАНМА**

**(Тұлдирілған янги нашр)**

# **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>6</b>
<b>Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими нима?.....</b>	<b>8</b>
<b>Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими тарихи ва ривожланиш босқичлари.....</b>	<b>9</b>
<b>“Комплаенс-назорат” тизимининг халқаро принциплари.....</b>	<b>11</b>
<b>“Комплаенс-назорат” тизимининг қандай шакллари мавжуд?....</b>	<b>13</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимининг ҳуқуқий асослари.....</b>	<b>15</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат тизими ташкилотларга нима беради?.....</b>	<b>25</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат тизимини тартибга соладиган муносабатлар.....</b>	<b>28</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат тизими нечта босқичда жорий этилади?.....</b>	<b>29</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш жараёни нималардан иборат?.....</b>	<b>32</b>
<b>Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бўйича ишчи гурӯҳи таркибиға кимлар кириши тавсия етилади?.....</b>	<b>33</b>

Коррупцияга қарши ички назорат тизимиға оид қандай ички ҳужжатлар қабул қилиниши лозим? .....	34
Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш стратегияси қайси зарурий элементларни ўз ичига олади?.....	39
Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими ким?.....	41
Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари нималардан иборат?.....	42
Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ҳуқуқлари нималардан иборат?.....	44
Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мажбуриятлари нималардан иборат?.....	46
Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тавсиялар.....	48
ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти сертификати нима?.....	52
Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимиға оид маълумот ва кўникмалар.....	56
Илова.....	61

## КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ва ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётига путур етказувчи коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциявий омилларга чек қўйишга қаратилган тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида авваламбор, давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупциянинг олдини олишга йўналтирилган превентив чоралар кўрилмоқда.

Бў ўринда, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, тизимида коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс”) тизимини жорий этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Шу асосда, Агентлик томонидан давлат ташкилотлари тизимида коррупцияга қарши курашишда муҳим ҳисобланган “комплаенс-назорат” тизимини **жорий этишнинг биринчи босқичида** тажриба тариқасида 26 та вазирлик ва идоралар танлаб олиниб, уни йўлга қўйиш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Айтиш лозимки, ўтган вақт давомида бир қатор ташкилотларда ушбу йўналишдаги вазифалар самарали йўлга қўйилиши натижасида коррупцияга қарши курашишда ижобий натижаларга эришилгани инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли Қарори асосида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб **барча давлат органлари ва ташкилотларида**, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Агентлик томонидан ушбу соҳадаги устувор вазифалар ижроси ўз вақтида таъминлаш мақсадида **жорий йилнинг май** ҳолатига кўра **115 та** давлат

органлари ва ташкилотларида алоҳида штат бирликлари доирасида ушбу тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Агентлик томонидан мунтазам равишда ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича зарурий тавсиялар ва керакли методологик кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Ўтган йилда, Агентлик томонидан мазкур йўналишни самарали ташкил этишда юзага келган муаммолар, турли саволлар таҳлил қилиниб, “комплаенс-назорат” тизимини методологик жиҳатдан ёритишига қаратилган **Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланма** тайёрланган бўлиб, республика бўйлаб барча давлат ташкилотлари ҳамда соҳа ходимларига етказилган эди.

Мазкур қўлланма ўзбек тилида чоп этилган илк методологик ҳужжат бўлиб, унда “комплаенс-назорат” тизимининг ривожланиш тарихи, ички назорат тузилмаларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, “Коррупцияга қарши бошқарув менежменти” ISO-37001 – халқаро стандартига доир бир қатор муҳим маълумот ва масалалар кенг ёритилган.

Бунда, соҳа ходимлари ва мутахассислари, ушбу йўналишда тадқиқот олиб бораётган ёш олимларнинг методология юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялари инобатга олинниб, қўлланманинг соҳага доир кейинги зарурий маълумотлар билан бойитилган ва қайта тўлдирилган **янги нашри** ишлаб чиқилди.

Нашрда, давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тузилмалари томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган ижобий натижалар, давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмлари ҳамда ташкилотлар тизимида коррупцияга қарши курашиб бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолашга оид батафсил маълумотлар амалий мисоллар билан кўртсатилди.

**Ўйлаймизки**, қайта нашр этилган ушбу қўлланма соҳани методологик жиҳатдан такомиллаштириш билан бир қаторда, ички назорат тузилмаларида фаолият юритадиган ходимлар ҳамда ушбу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун **амалий кўмакчи** вазифасини ўтайди.

Ўқувчи ва соҳа мутахассисларининг қўлланмага оид фикр, мулоҳаза ва таклифларини миннатдорлик билан қабул қиласиз.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ НИМА?

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган барча мамлакатларда коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги замонавий бошқарув усулларига мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибida коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳисобланади.

“Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (**compliance control**) тушунчалари – розилик, мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади.

Халқаро тажрибада “комплаенс-назорат” тизимининг бир неча шакллари мавжуд:



ТИББИЁТ



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ



БАНК



БОЖХОНА СОҲАЛАРИДА

ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ  
ЛЕГАЛЛАШТИРИШМОНОПОЛИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШКОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ

каби йўналишларда жорий этиладиган “комплаенс-назорат” ҳисобланади.

Илғор хорижий давлатлар тажрибасида кенг тарқалган шакллардан бири коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими ҳисобланади.



### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ "КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ" ТИЗИМИ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

"Комплаенс-назорат" тизими вужудга келишининг дастлабки асослари 1884 йилда Германияда "Бахтсиз ҳодисаларнинг олиш ва суғурталаш Ассоциацияси"нинг (Accident Prevention & Insurance Association) ташкил этилиши билан боғлиқ.

Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" тизими эса расман АҚШда жорий этилган.

Ушбу тизим дастлаб, **1906 йилда** АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятини назорат қилиш федерал хизматининг (**FDA, Food and Drug Administration**) ташкил этилиши натижасида вужудга келган.

Мамлакат иқтисодиётида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши улар фаолиятида коррупцияга қарши профилактик чоралар жорий этишни заруриятга айлантирди.

Үтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача **Volkswagen, Daimler, Siemens** (Германия) **Odenbrecht, Petrobras** (Бразилия), **Samsung Group, Hyundai Motor Co.** (Корея Республикаси), **BAE Systems** (Буюк Британия), **Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport** (АҚШ) ва бошқалар каби йирик компаниялар билан низоли вазиятларни юзага келиши улар фаолиятидаги коррупцияга қарши курашиш механизмларнинг мустаҳкам әмаслиги билан асосланади ва бу ўз даврида коррупцияга қарши мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

Бугунги кунда **100 дан ортиқ** мамлакатлардаги компанияларда коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" тизими жорий этилган.

 **ХУСУСАН АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Сингапур, Малайзия, Бразилия, Словения, Қозоғистон** каби бир қатор хорижий давлатларда ушбу тизим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий профилактик чоралардан бири ҳисобланади.

Мазкур давлатларда "комплаенс-назорат" тизимининг жорий этилиши, ташкилотларнинг фаолият йўналишларига қараб мажбурий аҳамият касб этади.

**Францияда 800 000 евродан** ортиқ капиталга эга бўлган давлат корхоналарида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган бўлиши шарт.

**Буюк Британиянинг 1 млрд. фунт стерлинг** капитали бўлган **700 дан ортиқ** давлат улушига эга корхоналарида ташкил этилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида қўлланилмоқда.

Шунингдек, аксарият хорижий давлатларда “комплаенс-назорат” тизими алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солингани аҳамиятга моликдир.

 **МИСОЛ УЧУН**, АҚШда “Хорижий коррупциявий амалиётлар тўғрисидаги Акт” (Foreign Corrupt Practices Act, 1977); “Сарбейнз-Оксли Акти” (Sarbanes-Oxley Act, 2002), “Додд-Франк Акти” (Dodd -Frank Act, 2010) номли қонун ҳужжатлари фикримиз исботи бўла олади.

Булар натижасида АҚШ бозорида иштирок этувчи ҳар қандай корпорация ва компаниялар ўз таркибида “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиши ва давлат хизматчиларининг ахлоқ кодексини қабул қилиши **шарт этиб белгиланди**.

Шунга мувофиқ, 2002 йилдан бошлаб, Нью-Йорк фонд биржасида (**New York Stock Exchange, NYSE**) иштирок этаётган хорижий давлатларнинг компанияларига ўзида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш мажбуриятлари юклатилди.

**Словенияда** мазкур хизмат фаолияти 2014 йил 26 апрелида қабул қилинган (“Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги) алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Словения амалиётида “комплаенс-назорат” хизматининг жорий этилиши давлат секторига кадрларни танлаш жараёнлари максимал шаффоф механизмлар асосида ўтишига имкон берган ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг мукаммал тизими яратилган.

Қонуннинг ўзига хослиги шундаки, унда “комплаенс-назорат” хизматида кадрлар масаласига (**compliance officer**) тўхталиб ўтилган ҳамда компания ичидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор этишга қаратилган (**whistleblowing policy**) аниқ қоида ва тартиблар келтириб ўтилган.

## "КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ" ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАРИ

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда "комплаенс-назорат" тизимининг қуидаги принципларига аҳамият қаратилади:



### ШАХСИЙ НАМУНА (TONE AT THE TOP)

раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва бунда жамоага шахсан намуна бўлиши



### КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗЛИК (ZERO TOLERANCE TO CORRUPTION)

ходимларда коррупцияга нисбатан "0 (ноль)" даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантириш



### ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК (OPENNESS AND TRANSPARENCY)

фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш



### ХАБАР БЕРИШ СИЁСАТИ (INTERNAL/EXTERNAL WHISTLEBLOWING POLICY)

қонун бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби



### КОМПЛАЕНС ДАСТУРИ (COMPLIANCE PROGRAM)

коррупцияга қарши курашиш сиёсатини қамраб оловчи жараёнлар



### КОМПЛАЕНС ХОДИМ (COMPLIANCE OFFICER)

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали юритиш учун жавобгар шахс



### **КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ (COMPLIANCE RISK ASSESSMENT)**

фаолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ва уларни баҳолаб боришишини мониторинг қилиш



### **САМАРАДОРЛИК ВА МАЛАКА ОШИРИШ (COMPETENCE AND TRAINING)**

ходимларни коррупцияга қарши маданияти ва билимини мунтазам ошириб бориш мақсадида ўқитиш



### **ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ (MONITORING)**

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг самарали фаолият юритиб боришини мунтазам равишда баҳолаб, мониторинг қилиш



### **КОНТРАГЕНТ (DUE DILIGENCE)**

учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш



## **"КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ" ТИЗИМИНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАРИ МАВЖУД?**

"Комплаенс-назорат" тизиминың үзида жорий этган хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения мисолида) тажрибаси ва халқаро компаниялар амалиёти асосида Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизматини З хил модель бўйича ажратиш мумкин:



**"ихтисослашган Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизмати модели"**да Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда компания ёки ташкилотнинг халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилган бўлади;



**"мослашган Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизмати модели"**да асосан компания ва ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилади ва мунтазам равишда фаолиятни турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш каби ички профилактик чораларни татбиқ этишга қаратилган бўлади;



**"аралаш Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизмати модели"**нинг вазифаси компания ва ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини сақлаш, коррупция ҳолатлари содир этилишига қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни миллий қонунчилик ҳамда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборатdir.

Мазкур моделларнинг ўзаро фарқли жиҳати, уларнинг ташкилот тизимида жорий этишдаги шакли, тартиби ҳамда ушбу тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

**Жумладан,**

**биринчи моделда**, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси ташкилотнинг коррупцияга қарши фаолияти ва умумий сиёсати сиёсати ушбу соҳадаги халқаро тавсиялар, стандартлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда ташкилотнинг айнан **халқаро доирадаги имиджини** оширишга хизмат қиласди;

**иккинчи моделда**, ташкилотда мазкур тизимининг жорий этилиши миллий қонунчилик меъёрлари ёки коррупцияга қарши курашишга оид асосан ички қоидалар билан тартибга солинади ҳамда жорий этишнинг минимал талаблари билан чекланади. Мазкур шаклда ички қонунчилик нормаларида кўзда тутилмаган ва коррупция хавф-хавфларига коррупциявий хавф-хатарларига мос келадиган қўшимча профилактик қоидаларни жорий этиш мумкин бўлади.

**учинчи моделда**, ташкилотнинг ҳар икки жараёнда, яъни миллий ва халқаро доирадаги имиджини ҳимоя қилиш, оширишга хизмат қиласди, бунда нафақат миллий қонунчилик ва халқаро нормалар, балки хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларида акс этган нормаларни ўз фаолиятида жорий мумкин бўлган **универсал (гибрид) тизим** ҳисобланади.



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этадиган “мувофиқлик тизими” (комплаенс) тушунчаси миллий қонунчилигимиздаги бир қатор ҳужжатларда акс этган.

### **1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.**

**Мазкур қонунда илк маротаба қўйидаги тушунчаларга норматив таъриф берилди:**

- ✓ **коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;
- ✓ **манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;
- ✓ **коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби келтирилган.

Қонунда илк маротаба давлат хизматчиларининг коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш мажбурияти белгиланди.

Унга кўра, “давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳолатлар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир

этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт” ( Қонуннинг 26-моддаси).

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган.**

---

**“2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 21-бандида:**

- ✓ устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини қучайтириш мақсадида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” (compliance control) тизими жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш белгиланди.
- ✓ Ушбу ҳужжатда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими, биринчи маротаба айнан шу ном билан акс этди.

**3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72-Ф-сон Фармойиши.**

---

**Унга кўра, давлат ташкилотларида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг устувор вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди:**

- ✓ коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;
- ✓ давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ошириш;
- ✓ ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;



- ✓ идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш;
- ✓ коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сон Қарори.**

Унга асосан, 2020 йил 1 октябрга қадар нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

#### **5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.**

## **Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаларидан бири сифатида:**

- ✓ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат") ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуслар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;
- ✓ 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат")ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш белгиланди.

**6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 27 июль куни ўтказилган йигилишда топширилган вазифага мувофиқ, 2020 йил 4 сентябрь куни "Яширин иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик ("комплаенс-назорат") тизими"ни жорий этиш юзасидан 26 та вазирлик ва идораларда "Йўл хариталари" тасдиқланди.**

---

Агентлик томонидан манбаатдор ташкилотлар вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил тажриба тариқасида **26 та** вазирлик ва идоралар ҳамда давлат улушкига эга **10 та** тижорат банклар танлаб олиниб, мазкур тизим тажриба тариқасида жорий этилди.

Бунда, ҳар бир давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиниб, коррупцияга қарши курашишга доир қўйидаги йўналишдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди:

- ✓ вазирлик ва идоралар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ҳамда **яширин иқтисодиёт** ва коррупцияга қарши **мувофиқлик тизимини** кенг жорий этиш;
- ✓ соҳа фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали "**инсон омилини**" қисқартириш;
- ✓ давлат хизматчиларининг **коррупцияга қарши ҳуқуқий билимини** ошириш ва уларда коррупцияга нисбатан **муросасиз маданиятни шакллантириш**;
- ✓ ҳар бир ташкилотнинг манбаатдорлиги асосида ўз тизимида коррупцияга қарши ички назорати тизимини жорий этиш ва мазкур фаолиятни такомиллаштириб бориш.



## МАЪЛУМОТ УЧУН!

**Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими эксперимент тариқасида жорий этилган давлат органлари ва ташкилотларининг РЎЙХАТИ (2020 йил сентябрь ойи ҳолати)**

т/р	Давлат органлари ва ташкилотлари номи:
	<b>I. Вазирликлар</b>
1.	Адлия вазирлиги
2.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
4.	Молия вазирлиги
5.	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
6.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7.	Транспорт вазирлиги
8.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
9.	Халқ таълими вазирлиги
10.	Курилиш вазирлиги
	<b>II. Давлат қўмиталари ва уюшмалар</b>
11.	Давлат божхона қўмитаси
12.	Давлат солиқ қўмитаси
13.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
14.	“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
	<b>III. Агентликлар</b>
15.	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
16.	Давлат активларини бошқариш агентлиги
17.	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
18.	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри ( <b>ҳозирда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги</b> )
19.	“Ўзстандарт” агентлиги ( <b>ҳозирда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги</b> )
	<b>IV. Давлат иштирокидаги корхоналар ва банклар</b>
20.	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
21.	“Худудгазтаъминот” АЖ
22.	Марказий банк ( <b>шу жумладан, давлат улушига эга бўлган 10 та тижорат банклари</b> )
23.	“Товар-хом ашё биржаси” АЖ
24.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
25.	“Ўзқимёсаноат” АЖ
26.	“Ўзсувтаъминот” АЖ

Айтиш лозимки, **үтган вақт давомида** бир қатор давлат органлари ва ташкилотларида ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ушбу йўналишдаги фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши ташкилот тизимида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни олдини олинишида **ижобий натижаларга** эришишга сабаб бўлди.

**Жумладан,**

**Халқ таълими вазирлиги** тизимида мазкур тузилманинг самарали йўлга қўйилиши натижасида:

хизмат жараёнида **манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш** ҳамда бу ҳолатда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга доир 10 дан ортиқ коррупцияга қарши курашишга доир локал ҳужжатлар қабул қилинди;

тузилма томонидан 2021 йил якунига кўра **48 млрд. га яқин** молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлигига 56 млрд. сўмдан** ортиқ миқдордаги молиявий хато камчиликлар, шундан **7 млрд. сўмлик** камомад ва ўзлаштиришлар, **12 млрд. сўмлик** мақсадсиз харажатлар аниқланган бўлиб, давлат бюджетига етказилган **9 млрд. сўмлик зарарнинг ундирилишига** эришилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги **Кадастр агентлиги** тизимидағи ходимлар аттестациядан ўтказилиб, коррупцияга мойиллиги бўлган **28% (1476 нафар)** ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Давлат божхона қўмитаси тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда ходимлар томонидан ножўя ҳаракатлар содир этилишига чек қўйиш мақсадида **143 нафар ходим** бошқа лавозимга, **29 нафар ходим** бошқа ҳудудий бошқармаларга навбатдан ташқари ротация қилинган.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ «КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ» ТИЗИМИНИ ЖОРЙ ЭТИШДА ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ НАТИЖАЛАР (2021йил якунига күра)

### КИМЁСАНОАТ

Кимёсаноат соҳасида  
9 млрд. сўм камомад  
борлиги аниқланди ҳамда  
53,4 млрд. сўм харажатлар  
иқтисод қилинишига  
эришилди

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Соғлиқни сақлаш  
тизимида 56 млрд. сўм  
молиявий хато ва  
камчиликлар аниқланди,  
22 млрд. сўм бюджет  
маблағларининг  
мақсадсиз сарфланишини  
олди олинди

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Халқ таълими тизимида  
214 нафар мансабдор  
шахсларга нисбатан  
интизомий жазо чоралари  
кўлланилди, 34 нафар  
ходимлар лавозимидан  
озод этилди

### БОЖХОНА ТИЗИМИДА

Давлат божхона хизмати  
идораларида манфаатлар  
тўқнашувини олдини  
олиш мақсадида 143  
нафар ходимлар бошқа  
лавозимга ўтказилди, 29  
нафар ходимлар навбат-  
дан ташқари ротация  
қилинди

### КАДАСТР ТИЗИМИДА

Кадастр агентлиги  
тизимидағи коррупцияга  
мойиллиги бўлган 1476  
нафар ходимлар билан  
мехнат шартномалари  
бекор қилинди

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Вазирлик ва идораларда  
ишга қабул қилишнинг  
очик ва шаффоғ  
тизимини яратилиб,  
кадраларни танлов  
асосида қабул қилиш  
йўлга қўйилди  
(Адлия, Молия, Бандлик ва меҳнат  
мунособатлари, Транспорт  
вазирликлари)

### “КОРРУПЦИЯСИЗ ХУДУД”

Қашқадарё вилояти,  
**Қарши** тумани ҳамда  
Намангандарё вилояти,  
**Давлатобод** туманлари  
“Коррупциясиз ҳудуд”га  
айлантириш юзасидан  
наъмунавий йўл  
хариталари ишлаб  
чиқилди



**7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони.**

---

Унда, давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилганлиги қайд этилди.

**8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.**

---

Унга кўра, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.

**Шунингдек**, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари сифатида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун **масъул эканлиги белгиланди**.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мажбурий тартибда** келишиш тартиби жорий этилди.

**9. Агентлик томонидан ташкилотларда жорий қилинаётган коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган хукуқий асос ишлаб чиқилди.**

---

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи. (**Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган рўйхат рақами: 3319**)

Намунавий низом умумий қоидалар, давлат органлари ва ташкилотларининг назорат тузилмаларини ташкил этиш, назорат тузилмаларининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари, назорат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва якуний қоидалар каби 5 боб, 19-банддан ташкил топди.

Мазкур ҳужжат билан илк маротаба давлат органлари ва ташкилотларида ташкил этилган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаларининг фаолияти норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Жумладан, ушбу тузилмаларни ташкил этишдан мақсад, уларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ички идоравий ҳужжатларни ишлабчиқишиш ва коррупцияга қарши курашиш механизмларини самарали йўлга қўйиш каби бир қатор ижобий тавсия ва қоидаларни ўз ичига олади.

**10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарори қабул қилинди**

---

#### **Унга кўра:**

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, “E-Anticor.uz” электрон платформасида давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолашни назарда тутувчи “Е-Антикоррупция” лойиҳаси тўлиқ ишга туширилади;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “**Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри**” (“паст”, “ўрта” ва “юқори” ўлчовларида) шакллантирилади ва Интернет тармоғида очиқ эълон қилиб борилади;

Ҳар бир аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига оловчи коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

Агентлик ҳамкор идора ва вазирликлар билан биргаликда жорий йилнинг октябрь ойига қадар “**Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси**” лойиҳасини ишга туширади.

Шунингдек, Қарор билан коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, унга кўра,

“**Шаффоф қурилиш**” миллий ахборот тизимида фуқаролардан ноқонуний қурилиш ҳолатлари юзасидан мурожаатларни онлайн қабул қилиш имкони яратилади;

Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун бериладиган имтиёзларнинг рўйхати ягона хужжатда шакллантирилади ҳамда ушбу имтиёзларни **умумий квотага киритмаслик** тўғрисидаги қоида белгиланади;

Олий таълим муассасаларда талабаларни **ётоқхона билан таъминлашнинг электрон тизими** жорий этилади;

**Автобекатларда** тадбиркорлик обьектларини жойлаштиришга рухсат беришнинг шаффоф электрон механизмлари яратилади;

**Ташқи реклама обьектларини жойлаштириш** онлайн аукцион тартибига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади ва жамоатчилик назорати кучайтирилиши каби бир қатор самарали омиллар белгиланди.

Қарор асосида коррупцияга қарши курашишга қаратилган бир қатор самарали ва тизимли чоралар жорий этилмоқда.




## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАШКИЛОТЛАРГА НИМА БЕРАДИ?

Ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини жорий этишдан мақсад:

-  ташкилот ва унинг тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш;
-  коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;
-  коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш;
-  ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;
-  ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш;
-  коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар (халқаро ва миллий) ижросини таъминлаш ва ташкилотда коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизmlарини самарали ташкил этилишига қаратилган бошқа чораладан иборат.

## САМАРАДОРЛИГИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

- коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда минимум даражага туширишга эришилади;
- коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкинбўлгансоҳа-йўналишлараниқланади ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чоралар белгиланади;
- ҳисобдорлик ва фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади;
- коррупцияга қарши курашишда ички идоравий назорат механизмлари кучайтирилади;
- давлат хизматчилари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда таниш-билишчилик, қариндош-урӯғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига барҳам берилади;
- ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш масалалари тартибга солинади;
- давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилишини таъминланади;





манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид аниқ чоралар жорий этилади;

қонун бузилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, одоб-ахлоққа зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар юзасидан хабар бериш тартибининг аниқ механизмлари яратилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимояси, шахсининг сир сақланиши, маълумотлар ошкор этилмаслиги таъминланади;

давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини турли санкциялар ва бошқа таъсирлардан тизимли ҳимоя қилишнинг комплекс механизмини яратиш ҳамда фаолият имиджини ижобий сақлаш таъминланади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэтироф этилган халқаро стандартлар (ISO 37001 – “Коррупцияга қарши бошқарув менеджменти”, ISO 19600:2014 Compliance management systems) ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш имконияти яратилади;

мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги шаффофлигини баҳолаш, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат қиласди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАР



коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш;



шаффофф давлат харидлари сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш;



бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва бюджет интизомига риоя қилишнинг комплекс механизmlарини ишлаб чиқиш;



коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш;



қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби;



манфаатлар түқнашувини бошқариш тартиби;



давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари;



иш юзасидан совғалар бериш ва олиш тартиби ҳамда кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш;



номзодларни ишга қабул қилишнинг очиқ ва шаффофф тартиби;



хизмат текширувларини ўтказиш тартиби;



хизмат сири ва маълумотларининг конфиденциаллигини сақлаш тартиби;



хайрия ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тартиби.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ НЕЧТА БОСҚИЧДА ЖОРЙ ӘТИЛАДИ?

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРЙ ӘТИШ 4 БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**1-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш:**

1. Тизимнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий ва функционал тузилиши, унинг фаолият йўналишларини таҳлил қилиш;
2. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар (**коррупцияга қарши сиёсати, одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви ва б.**)ни таҳлил қилиш;
3. Коррупция хавфи юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
4. Ҳар бир ходимга юклатилган функционал вазифалардан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларга мойиллик даражасини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш (ходимлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини тузиш);
5. Ушбу босқични якунлаш ва натижаларини муҳокама қилиш.

**2-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлар мажмуини ва ички идоравий назорат механизмларини ишлаб чиқиш:**

1. Тизимнинг ички меъёрий ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш;

**30**

Коррупцияга қарши ички назорат тизими нечта босқичда жорий этилади?

2. Ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (**Одоб-ахлоқ кодекси, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва дастури, Комплаенс бўйича йўриқнома, Совға сиёсати ва б.**);
3. Ходимларни янги ички меъёрий ҳужжатлар билан таништириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Ходимларнинг юқори одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мұхитини шакллантириш юзасидан ташкилий чоралар белгилаш;
5. Ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид ўқитиш тартибини ишлаб чиқиш;
6. “Юқоридан паст”га тамойили асосида қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш.



**3-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш тартиби:**

1. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширувчи алоҳида штат бирликлариiga эга маҳсус таркибий тузилма (Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси)ни ташкил этиш;

2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мақоми, ваколат ва вазифалар доирасини бошқа таркибий тармоқлар билан муносабатлар доирасини ички ҳужжатлар билан аниқ белгилаш;
3. Мазкур хизматнинг ўз фаолиятини ташкил этишда тўла мустақиллигинитаъминлашвафақатбиринчираҳбаргаҳисобдорлигини белгилаш;
4. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш ваколатини таъминлаш;
5. Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқубузарликлар ҳақидаги маълумотларни Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига мажбурий хабар бериш тартибини белгилаш;
6. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга оид ҳуқубузарликлар аниқланганда, бундай ҳаракатни амалга оширган ёки ошираётган шахслар билан боғлиқ маълумотларни текшириш, агарда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;
7. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига аниқланган коррупция ҳолатлари ва юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарлар ҳақида мунтазам равишда биринчи раҳбарга ҳисобот тақдим этиш мажбуриятини белгилаш.

#### **4-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилишининг самарадорлигини баҳолаш.**

1. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини юритишга оид методика ишлаб чиқиш;
2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали амалга оширилиши юзасидан ҳар уч ойда камида бир маротаба биринчи раҳбарга ҳисобот тақдим этиб бориш;
3. Йил якунида муассаса жамоасига коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг натижадорлиги юзасидан умумий ҳисобот тақдим этиш.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?



Ваколатли “ишчи гурухы”ни тузиш (**масъулларни белгилаш**);



Тизимдаги мавжуд коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда муаммоларини аниқлаш;



Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар **базасини хатловдан ўтказиш**;



Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий қилишга оид **ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш**;



Коррупцияга қарши курашишга оид **чора-тадбирларни белгилаш**;



Ташкилий-ҳуқуқий, молиявий масалаларни белгилаш;



Алоҳида штат бирликларига эга янги тузилма (**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси**)ни ташкил этиш;



Соҳани коррупцияга қарши курашишга оид стандартлар бўйича сертификатлаш (**ISO 37001:2016 стандарти**)ни жорий этиш.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРЙИ ЭТИШ БҮЙИЧА ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИГА КИМЛАР КИРИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ?

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бүйича намунавий ишчи гурух таркиби



\* **ИЗОХ:** Раҳбарият ташаббуси билан ишчи гурух таркибида бошқа йұналишдаги мутахассислар ҳам иштирок этиши мүмкін.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА ОИД ҚАНДАЙ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ?

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш жараёнида қуийдаги ҳужжатлар қабул қилиниши лозим:

- ✓ Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома.





- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти.



**\*ИЗОҲ:** Ҳар бир ташкилот, фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, юқорида кўрсатилган намунавий ҳужжатлардан ташқари, ички доирада фойдаланиш учун қўшимча янги ҳужжатлар ишлаб чиқиши мумкин.

Агентлик томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури экспертлари билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандартида белгиланган талаб ва тавсиялар асосида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг фаолиятини халқаро стандарт талаблари асосида самарали ташкил этишга қаратилган **10 та ички идоравий ҳужжатлар** намуналари ишлаб чиқилди.

Қуйидаги графикада мазкур намунавий ҳужжатларнинг номлари ва уларнинг қисқача тавсифи баён этиб ўтилади.

T/r	Ҳужжат номи	Қисқача мазмуни
1.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёsat	<p>Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг таркибига кирувчи тузилмаларда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги <b>устувор вазифаларини</b> белгилайди.</p> <p>Бунда, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ташкилотнинг коррупцияга қарши курашишда ички идоравий назорат механизмлари кучайтириш, коррупцияга қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартларни жорий этиш орқали ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини олдиниши олишга доир асосий <b>фаолияти, стратегик режаларини</b> намоён этишдаги ташкилотнинг <b>ўз позициясини ифодалайди</b>.</p>
2.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти.	<p>Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг тақрбига кирувчи тузилмаларига юклangan вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда ташкилотда <b>коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни</b> шакллантиришга қаратилган.</p> <p>Ҳужжат ташкилот фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган <b>функция ва лавозимларини белгилаш</b> ва коррупциявий хавф-хатарларни минимал-лаштиришга доир самарали чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.</p>
3.	Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом.	<p>Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг тақрбига кирувчи тузилмаларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.</p> <p>Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ташкилот тизимида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган <b>манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш</b> ва шу орқали коррупциявий хатти-ҳаракатларга чек қўйиш имконини беради.</p>

- 4. Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳара-катлар тұғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва күриб чиқыш Регламенті.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг тақрбига кируди тузилмаларида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган коррупциявий хабарларни тўлиқ ўрганиб зарур чоралар кўрилишини бу орқали ташкилотда коррупцияга чек қўйиш имконини беради.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ташкилот тизимида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган **коррупциявий хабарларни тўлиқ ўрганиб зарур чоралар** кўрилиши ҳамда бу орқали ташкилотда коррупцияга оид хуқуқбузарликларга ўз вақтида чек қўйиш имконини беради.
- 5. Ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, **ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш** ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қаттий риоя қилиш руҳида тарбиялаш имконини беради.
- 6. Контрагентларни текши-ришга оид Йўриқнома.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг тақрбига кируди тузилмалари томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ташкилот ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш, **контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни** тегишли даражада коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштирган ҳолда қабул қилиш имконини беради.
- 7. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома.**
- Йўриқнома ташкилотларда **кадрларни танлаш жараёнлари шаффоф механизмлар** асосида тадбирларни жорий этиш, бунда, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимларга тайинлашда танловлар ўтказиш, бунда таниш-билишчилик, қариндош-урӯғчилик ва маҳал-лийчилик ҳолатларига йўл қўймаслик, шунингдек, ишга қабул қилишда номзодлар текширувани ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олувчи идоравий ҳужжат ҳисобланади.

- 8. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг такрбига кирувчи тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички **норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби** ҳамда стандартларини белгилайди.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ташкилотда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, **хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари** ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш имконини беради.
- 9. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда унинг такрбига кирувчи тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва **коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириши** тартибини белгилайди.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш тизимини **мониторинг ва назорат қилиш**, шунингдек, ташкилотнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл ҳаритаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш имконини беради.
- 10. Ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти.**
- Мазкур ҳужжат давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари томонидан ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.
- Ҳужжат миллий қонунчилик асослари ва халқаро стандарт ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ташкилотда **қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни** аниқлаш ва бартараф қилиш имконини беради.

## ТАШКИЛОТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАЙСИ ЗАРУРИЙ ЭЛЕМЕНЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ?

Бунда ташкилот томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус стратегия ишлаб чиқилади ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:



тизимда коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларни аниқ белгилаш (**масалан, кадрлар сиёсати, номзодларни ишга қабул қилиш, роцация, моддий рағбатлантириш масалалари, давлат харидларини ўтказиш, бюджет маблағларини сарф қилиш каби жараёнлар**);



кадрлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш (**ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимларга тайинлашда танловлар ўтказиш, бунда таниш-билишлилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига йўл қўймаслик**);



коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи маҳсус ваколатга эга бўлган алоҳида бўлинма ташкил этиш (**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси**) ва уларнинг вазифа, мажбурият ва ваколат доирасини аниқ белгилаб олиш;



манфаатлар тўқнашуви ва унинг олдини олиш масалаларини тартибга солиш;



фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш (**ишга қабул қилиш жараёнлари, бюджет маблағларининг сарфланишига оид маълумотларни мунтазам равишда расмий сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликка етказиб бориш**);



тизимда қонун бузилиши ҳолатлари ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартибини яратиш (**бунда коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар топган ходимнинг**

**ҳаракати, мурожаат этиш тартиби ва унинг шахсини сир сақлаш кафолатларининг таъминланиши);**



Совға, кўнгилочар дастурлар, меҳмондўстлик ва саёҳат сиёсати (**тизимда совға миқдори, уни қабул қилиш ёки тақдим этиш тартиби каби жараёнлар аниқ тартиба солиниши;**)



давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;



тизимда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг қилиб бориш (**камида ҳар 3 ойда**);



ташкилот ва муассаса раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олишда шахсий намуна ва ташаббус кўрсатишини таъминлаш.




## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИ ХОДИМИ КИМ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини ташкил этишдаги асосий омил кадрлар масаласидир. Халқаро тажрибада мазкур фаолиятни амалга оширувчи мутахассис “комплаенс ходим” (**compliance officer**) деб юритилади.



### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИ ХОДИМИ

ташкilotда ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилиши, хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувининг юзага келишини олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда ташкilotда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган ходим.



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари қуийдагилар ҳисобланади:

1. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш;
2. Ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;
3. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг қўшимча вазифалари сифатида қуийлагилар белгиланиши тавсия этилади:

5. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаб бориш ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни ишлаб чиқиш йўли билан фаолиятни коррупциядан ҳоли этишга қаратилган тизимни йўлга қўйиш.
6. Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва ички одобахлоқ қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилишини назорат қилиш;
7. Фаолиятни тўлиқ коррупцияга қарши қонунчилликка мувофиқ ташкил этиш ва идоравий ҳалолликни таъминлаш чораларини кўриш;
8. Ташкилот фаолиятининг очиқ, шаффоғ ҳамда давлат ва жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш;
9. Ташкилот тизимида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида коррупция хавф-хатари юқори бўлган соҳа-йўналишларни таҳлил қилиб бориш;



10. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идоралари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;
11. Тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;
12. Соҳадаги коррупцияга оид мурожаатларнинг мониторингини юритиш;
13. Тизимли равишда коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
14. Таشكilotда коррупцияга қарши курашиш менеджмент тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;
15. Ходимларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ўқув курсларини ташкил этиш.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ҳуқуқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;
2. Хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;
3. Ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;
4. Раҳбар топшириғи ёки кузатув кенгаши қарори асосида мавжуд коррупциявий ҳолатлар юзасидан ходимлардан тушунтириш талаб қилиш;





5. Коррупцияга мойил бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича раҳбар ёки кузатув кенгашига таклиф киритиш;
6. Ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
7. Ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ, хатлари ва тавсиялар бериш;
8. Ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;
9. Ташкилот томонидан ташкил этиладиган турли танлов комиссияларида (ишга қабул қилиш, давлат харидлари ва бошқа) кузатувчи ёки аъзо сифатида иштирок этиш.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мажбуриятлари қуийдагилар ҳисобланади:

1. Қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;
2. Қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
3. Ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги түғрисида зудлик билан ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор этиши шарт;
4. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;
5. Ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва
6. чора-тадбирлар түғрисидаги чораклик ҳисоботни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиш;
7. Коррупциявий ҳолатлар юзасидан ўтказилган хизмат текширувлар натижасида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда хабар бериш;
8. Коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ва “лавозимлар харитаси”ни яратиш ҳамда доимий мониторингини олиб бориш;
9. Давлат харидларида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга оид чоралар кўриш;
10. Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни таҳлил қилиш ва профилактик чораларни жорий этиш;



10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш
11. Ташкилотга оид очик маълумотларни расмий сайт, ОАВ ва жамоатчиликка тақдим этилиши устидан назорат ўрнатиш;
12. Ҳар ярим йилликда ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиб фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Коррупцияга қарши курашиб агентлигига киритиб бориши лозим.



**\*ИЗОХ:** Назорат тузилмалари фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқкан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИГА КАДРЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАВСИЯЛАР

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига малакали кадрларни ишга қабул қилишга оид тавсиялар:

Биринчи навбатда, ушбу соҳага ишга қабул қилинаётган кадрлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган шахслар орасидан тўлдирилиши тавсия этилади.



\* **ИЗОҲ:** ишга кирувчи номзодлар учун халқаро стандартларга мувофиқ, танловасосида, ишберувчитомонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

### 1. Маълумотига оид талаблар:

---

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимларининг таркиби қоида тариқасида олий маълумотга эга бўлган ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Коррупцияга оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича етарли билимга эга бўлиш.

### 2. Мутахассислиги бўйича маълумоти ва иш тажрибаси:

---

Мазкур лавозимга, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган, **юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари, менеджментлик** ва зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича камида **3 йил иш тажрибасига** эга бўлган юқори малакали, профессионал билимга эга мутахассислар орасидан ишга қабул қилиниши тавсия этилади.

### 3. Зарурий билим ва күникмалар:

- коррупцияга қарши қурашиб соҳасида амалий иш тажрибасында эга бўлган, коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиш;
- коррупцияга қарши қурашиб бўйича мавжуд миллий қонунчилик, хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлардан хабардор бўлиш;
- коррупцияга қарши қурашиб соҳасини ва “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар (**Foreign Corrupt Practices Act, Sarbanes-Oxley Act, Dodd-Frank Act, “UK Bribery Act”** ва бошқа) юзасидан назарий-амалий билим ва күникмаларга эга бўлиш.



#### 4. Бошқа қўшимча шартлар:

---

- ✓ махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатномага эга эканлиги ёки келажакда мазкур рухсатнома расмийлаштирилишига тўсқинлик қилувчи салбий ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;
- ✓ тезкор маълумотларни олиш ва улар бўйича ишлашни ташкил қила олиш кўникмасига эга эканлиги;
- ✓ ҳар бир соҳа-йўналишларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш чораларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- ✓ номзод мазкур соҳада камида 3 йил меҳнат фаолияти ва етарли тажрибага эга бўлиши;
- ✓ унга нисбатан коррупцияга оид жиноятлар юзасидан судланганлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги;
- ✓ коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида, номзоднинг молиявий қарздорлиги ёки моддий мажбуриятларга эга бўлмаслиги;
- ✓ ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциявий хавф-хатарларни енгга олишига ўзини ишонтира билиши (due diligence) лозим бўлади.

## 5. Малакали ходимларни тайёрлаш ва уларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида назарий ҳамда амалий кўнгилмаларни шакллантириш.

**Бунда:**

- ✓ ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича мажбуриятларни қайд этиш;
- ✓ барча ходимларни коррупцияга қарши сиёsat ва ташкилий тизим фаолияти билан таништириш;
- ✓ ходимларни босқичма-босқич коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш тартибини ишлаб чиқиш;
- ✓ коррупцияга қарши сиёsat ёки тизим талабларини бузган ходимларга тегишли жазо чоралари муқаррарлигини таъминлаш;
- ✓ ходимларнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимига оид сиёsatи ва ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлиги даражасини аниқлаш юзасидан мониторинг ва таҳлил, баҳолаш ишларини олиб бориш.



## ISO 37001:2016 "КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ" ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ СЕРТИФИКАТИ НИМА?

Сир эмаски, ташкилот раҳбари ундағи қарши бошқарув тизими – ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши бошқарув тизими" (Anti-bribery management systems) ташкилотта у қайси мамлакатда фаолият күрсатишидан қатъий назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқишида, жорий этишда ва такомиллаштиришда ёрдам беради.

**ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши бошқарув тизими"** – ташкилотларда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва профилактик тизимини яратишнинг халқаро усууларини ўзида мужассам этган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишига хизмат қиласидиган халқаро стандартдир.

**ISO 37001:2016 халқаро стандарти фаолиятда коррупциявий ҳолатларни юзага келитириши мумкин бўлган қўйидаги йўналишларга нисбатан қўлланилади:**

- ✓ давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;
- ✓ ташкилотлар томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилотга пора бериш;
- ✓ ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш;
- ✓ ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;
- ✓ тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича ташкилотни сертификатлаш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимни ишлаб чиқиши ва жорий этиш, шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш лозим бўлади.

## Мазкур халқаро стандарт ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қиласы:

- ✓ коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ✓ коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;
- ✓ ходимларни коррупцияга қарши билимини ошириш ва ўқитиш;
- ✓ коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;
- ✓ молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар.

**Шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан ташкилот ходимларига қўйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:**

- ✓ ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослиигини текшириш;
- ✓ меҳнатга ҳақ тўлашни барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини (**имтиёзлар, мақсадли кўрсаткичлар ва бошқа**) уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;
- ✓ ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти вақти билан декларацияни тўлдириш;
- ✓ коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтирувчи муносабатлар, жумладан, совғалар, миннатдорчилик рамзлари,
- ✓ хайр-эҳсон ва шунга ўхшаш рағбатлантириш турларини таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилишнинг аниқ тартиб-таомиллари жорий қилиниши лозим.

Дастлаб, ушбу стандарт **Малайзия ҳукумати** томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижা берган. **Сингапур ва Хитойда** давлат секторида, **Индонезия ва Таиландда** хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартидан фойдаланилади.

Дунёнинг энг йирик компанияларидан бўлган **Microsoft** ҳам ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича сертификатга эга.

**Айтиш лозимки,** давлат органлари ва ташкилотлари тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар натижасида 2022 йил март ҳолатига кўра, **15 та** давлат ташкилоти ва **1 та** хусусий банк "**Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими**" бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди.

### МАЪЛУМОТ УЧУН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Ўзбекнефтегаз" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Товар-хом ашё биржаси" АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ, "Асакабанк" АЖ, "Ўзсувтатминот" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва хусусий корхоналардан биринчилар қаторида "Трастбанк" ХАТБ ўз тизимида мазкур халқаро сертификатга эга бўлди.

Шунингдек, ҳозирда 20 га яқин давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фаолиятида ушбу халқаро сертификатни қўлга киритиш мақсадида коррупцияга қарши мувофиқлик қоидаларини жорий ишлари олиб борилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларининг мазкур халқаро сертификатга эга бўлиши бевосита мамлакатнинг халқаро рейтингларда устувор аҳамият касб этиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **очиқлик ва шаффофлигини баҳолаш, инвестицион жозибадорлигини** ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат қилувчи бир қатор самарали омиллардан бири ҳисобланади.



# SERTIFIKAT



«CERT INTERNATIONAL» s.r.o. sertifikatlashtirish organi quyidagi tashkilotning korrupsiyaga qarshi boshqaruv tizimini sertifikatlashtirish tartib-qoidalariga muvofiq o'tkazilgan auditorlik tekshiruvi natijalariga ko'ra quyidagilarni tasdiqlaydi:

quyidagi sohada:



## ISO 37001:2016

standart talablariga muvofiq deb topildi

Sertifikat №: ABMS-XXXX/A

Buyurtma №: XXXX/01

Berilgan sana: KK.OO.ЙИЙЙ

Amal qilish muddati: KK.OO.ЙИЙЙ

(yillik nazorat auditini o'tish sharti bilan)

KK.OO.ЙИЙЙ

## **ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ОИД МАЪЛУМОТ ВА КЎНИКМАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги 12 январида “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-81-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор коррупцияга қарши курашиш амалиётида ижобий тажрибага эга **Сингапур, Малазия, Жанубий Корея** каби давлатларнинг ушбу соҳадаги ижобий тажрибаси ўрганилган ҳолда ишлаб чиқилди.

**Қарор асосида** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.



**2022 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН**

Ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этган барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилади

**РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИНДИКАТОРЛАРИ**

**I ЙЎНАЛИШ**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги

**Максимал балл**

**35**

**II ЙЎНАЛИШ**

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги

**Максимал балл**

**30**

**III ЙЎНАЛИШ**

Раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларини нг мавжудлиги

**Максимал балл**

**15**

**IV ЙЎНАЛИШ**

Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўниқмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги

**Максимал балл**

**15**

**V ЙЎНАЛИШ**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

**Максимал балл**

**5**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҚУЙИДАГИ ТОИФАЛАРГА АЖРАТИЛАДИ**

“ЯХШИ”

81 баллдан  
100 баллгача



“ҚОНИҚАРЛИ”

55 баллдан  
81 баллгача



“ҚОНИҚАРСИЗ”

55 баллдан паст

## БАҲОЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

**БАҲОЛАШ ҲАР ЙИЛИ ОЛДИНГИ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БАҲОЛАШ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЙИЛНИНГ  
1 ЯНВАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ**

### ҲАР ЙИЛИ 5 ЯНВАРГАЧА

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги “E-Anticor.uz” орқали рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган давлат ташкилотлари рўйхатини тузади ҳамда бу ҳақда уларни ёзма равишда хабардор қиласди

**Давлат ташкилотлари чораклик** (тегишлича 10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар) ҳамда **йиллик маълумотларни** (10 январдан кечиктирмай) электрон тизим орқали киритиб ўзини ўзи баҳолаб боради

### ЙИЛЛИК МАЪЛУМОТЛАР КИРИТИЛГАНДАН СҮНГ

Агентлик ҳар йили 1 февралгача танлов асосида маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганади

Маълумотларнинг ҳаққонийлиги ўрганилганда **НОТУГРИ ЁКИ СОХТА МАЪЛУМОТЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА**, бевосита Агентликнинг ўзи электрон тизимга киритилган маълумотларни мустақил равишда ўзгартиради

Агентлик томонидан **дастлабки баҳолаш** натижалари шакллантирилади ва **Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи эксперталар гуруҳига тақдим этилади**

РЕЙТИНГ БАҲОЛАШНИ МУСТАҚИЛ АМАЛГА ОШИРУВЧИ

ЭКСПЕРТЛАР ГУРУХИ

Ҳар йили **9 кишидан иборат** Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гурӯҳи шакллантирилади ва Агентлик томонидан тақдим қилинган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини **15 февралга қадар** таҳлил қиласди

Экспертлар гурӯҳи тарқибининг камиди **30 фоизи (3 нафари) фуқаролик жамияти институтлари вакиллари** бўлиши лозим

Агентлик Экспертлар гурӯҳи томонидан тақдим этилган хуоса ёки рейтинг баҳолаш натижаларини **ҲАР ЙИЛИ 20 ФЕВРАЛГАЧА** пухта таҳлил қиласди ва унга кўра якуний баҳолаш натижаларини шакллантиради ва баҳоланаётган давлат ташкилотларига тақдим қиласди

Рейтинг баҳолаш якунларига кўра давлат ташкилотлари рўйхати **ҲАР ЙИЛИ 1 МАРТГАЧА** Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига киритилади ҳамда Агентлик расмий-веб сайтида ва ОАВда эълон қилинади

Давлат ташкилотлари **ҲАР ЙИЛИ 25 ФЕВРАЛГАЧА** Агентлик томонидан юборилган якуний баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ва зарурат бўлганда ўз таклифлари ва эътиrozларини Агентликка тақдим қиласди

## Рейтинг баҳолаш якунлари бўйича АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР



4

3

“Қониқарсиз” деб топилган давлат ташкилотлари **ХАР ЙИЛИ 20 МАРТГАЧА** тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим


1

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “яхши” деб топилган давлат ташкилотларининг **ИЖОБИЙ ИШ ТАЖРИБАСИ БОШҚА ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОММАЛАШТИРИШ** бўйича чора-тадбирлар кўрилади ва масъул таркиби бўлинмалари ходимларини рафбатлантириш бўйича таклифлар киритиб борилади.

2

“Қониқарли” деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича **ХАР ЙИЛИ 15 МАРТГАЧА** тавсиялар киритилади

**Кетма-кет икки йил давомида** коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарлари интизомий жазо кўрилади



2022 йил июлдан рейтинг баҳолаш тартиби барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимликларда жорий этилиши белгиланган

**1-ИЛОВА**

**Ички назорат тузилмалари очилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банклар**

**РЎЙХАТИ**

(23.05.2022 йил)

т/р	т/р	Ташкилот/орган номи
<b>Марказий муассасалар</b>		
1.	1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрацияси ҳузуридаги ташкилотлар
2.	1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
3.	2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ташкилотлар</b>		
4.	1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги
5.	2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмую устидан назорат қилиш инспекцияси
6.	3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
7.	4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзинжиниринг" Республика лойиҳа институти
8.	5.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси
<b>Вазирликлар</b>		
9.	1.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
10.	2.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
11.	3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
12.	4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13.	5.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
14.	6.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги
15.	7.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
16.	8.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
17.	9.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
18.	10.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
19.	11.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
20.	12.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
21.	13.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

- 22. 14.** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги  
**23. 15.** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги  
**24. 16.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
**25. 17.** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги  
**26. 18.** Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги  
**27. 19.** Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги  
**28. 20.** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

#### **Давлат қўмиталари**

- 29. 1.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси  
**30. 2.** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
**31. 3.** Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси  
**32. 4.** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси  
**33. 5.** Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси  
**34. 6.** Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси  
**35. 7.** Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси  
**36. 8.** Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси  
**37. 9.** Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси

#### **Қўмиталар**

- 38. 1.** Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси  
**39. 2.** Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси  
**40. 3.** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси

#### **Агентликлар**

- 41. 1.** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги  
**42. 2.** Ўзбекистон Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги  
**43. 3.** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги  
**44. 4.** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги  
**45. 5.** Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги  
**46. 6.** Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)  
**47. 7.** Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги  
**48. 8.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги  
**49. 9.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги  
**50. 10.** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги  
**51. 11.** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги

52. 12. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

53. 13. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ("Ўзатом")

54. 14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги

#### **Инспекциялар**

55. 1. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси

56. 2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси

57. 3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси

58. 4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (Ўзнефтгазинспекция)

#### **Маҳаллий давлат ҳокимликлари**

59. 1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

60. 2. Андижон вилоят ҳокимлиги

61. 3. Бухоро вилоят ҳокимлиги

62. 4. Жиззах вилоят ҳокимлиги

63. 5. Наманган вилоят ҳокимлиги

64. 6. Навоий вилоят ҳокимлиги

65. 7. Самарқанд вилоят ҳокимлиги

66. 8. Сирдарё вилоят ҳокимлиги

67. 9. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги

68. 10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги

69. 11. Тошкент вилоят ҳокимлиги

70. 12. Фарғона вилоят ҳокимлиги

71. 13. Хоразм вилоят ҳокимлиги

72. 14. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги

#### **Марказлар**

73. 1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази

#### **Жамғармалар**

74. 1. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

#### **Акциядорлик жамиятлари, компаниялар**

75. 1. "Ўзданмаҳсулот" акциядорлик компанияси

76. 2. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси

77. 3. "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти

78. 4. Ўзбекистон металлургия комбинати акциядорлик жамияти ("Ўзметкомбинат")

79. 5. "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси
80. 6. "Худудий электр тармоқлари" акционерлик жамияти
81. 7. "Худудгазтаъминот" акционерлик жамияти
82. 8. "Ўзсувтаъминот" акционерлик жамияти
83. 9. "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти
84. 10. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти
85. 11. "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти
86. 12. "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти
87. 13. "Дори-дармон" акциядорлик жамияти
88. 14. "Ўзватосаноат" акциядорлик жамияти
89. 15. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти
90. 16. "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамияти
91. 17. "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти
92. 18. "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти
93. 19. "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти
94. 20. "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти
95. 21. "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти
96. 22. "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти
97. 23. "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти
98. 24. "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти
99. 25. "Курилишмаш-лизинг" лизинг компанияси
100. 26. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси
101. 27. "Навоийазот" акциядорлик жамияти
102. 28. Товар-хом ашё биржаси акциядорлик жамияти
103. 29. "Тошкент" Республика фонд биржаси

#### **Банклар**

104. 1. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти
105. 2. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки
106. 3. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки
107. 4. "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки
108. 5. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки
109. 6. Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк"
110. 7. "Асакабанк" акциядорлик жамияти
111. 8. Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"
112. 9. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки
113. 10. "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банки

#### **Бошқалар**

114. 1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати
115. 2. Давлат кадастрлари палатаси



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 3368  
2022 - yil 13 - may

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гурухи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш түгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чоратадбирлари түгрисида”ги карорига асосан буюраман:

1. Коррупцияга карши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гурухи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор



Бурханов А. Э.

Тошкент ш.  
2022 йил 13 май,  
41 сон

Ўзбекистон Республикаси  
Коррупцияга қарши курашиш  
аентлиги директорининг 2022 йил  
— майдаги \_\_-сон буйруғига  
ИЛОВА

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШНИ МУСТАҚИЛ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб Коррупцияга қарши курашишиларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи эксперталар гурӯҳи (бундан бўён матнда Эксперталар гурӯҳи деб юритилади) таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

**1.** Ушбу Тартибда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари** – Коррупцияга қарши курашиш аентлиги (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан электрон платформа орқали шакллантирилган рейтинг баҳолашнинг дастлабки натижалари;

**манфаатлартўқнашуви** – шахсий (бевоситаёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**электрон платформа** – Агентлик томонидан юритиладиган “E-Anticor.uz” электрон платформаси.

**2.** Дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 9 кишидан иборат бўлган таркибда Эксперталар гурӯҳи Агентлик томонидан шакллантирилади ҳамда ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

Бунда, Эксперталар гурӯҳи таркибида камида 3 киши фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан бўлиши лозим.

**3.** Экспертлар гуруҳи аъзолари коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

**4.** Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади.

## **2-боб. Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш**

**5.** Экспертлар гуруҳи таркиби Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (бундан бўён матнда давлат ташкилотлари деб юритилади) таклифларига асосан шакллантирилади.

**6.** Агентлик ҳар йили 1 ноябрга қадар давлат ташкилотлари томонидан электрон платформага ҳар чоракда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар) киритилган маълумотлар таҳлили асосида давлат ташкилотлариға Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш учун номзод тақдим этиш ҳақида мурожаат қиласди.

**7.** Агентликнинг мурожаатига асосан давлат ташкилотлари ҳар йили 15 ноябряга қадар Агентликка коррупцияга қарши курашиш бўйича икки нафар малакали мутахассисни уларнинг объективка-маълумотномалари билан биргалиқда тақдим қиласди.

**8.** Агентлик фуқаролик жамияти институти вакиллари томонидан Экспертлар гуруҳига номзодлар тақдим этилиши учун ҳар йили 1 ноябряга қадар ўзининг расмий веб-сайтида эълон жойлаштиради.

Бунда, Экспертлар гуруҳида иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳар йили 15 ноябряга қадар Агентликнинг расмий веб-сайтидаги маҳсус шаклни тўлдириши ҳамда унга ўзларининг объективка-маълумотномаларини илова қилиши лозим.

**9.** Агентлик ҳар йили 25 декабрга қадар давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган номзодлар ва Экспертлар гуруҳида иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқаролик жамияти институти вакилларини қўйидаги мезонлар асосида саралаб олиш орқали Экспертлар гуруҳи таркибини шакллантиради:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;  
олий маълумотга эга бўлиши;  
мутахассислиги бўйича камидаги 5 йиллик иш стажига эга бўлиши;  
коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида билим ва  
кўникумаларга эга бўлиш.

**10.** Қўйидагилар Экспертлар гурӯҳи таркибига киритилиши мумкин эмас:  
муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги  
тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган  
шахс;

Қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган  
ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси  
юритилаётган шахс.

**11.** Агентлик номзодларнинг олий маълумоти тўғрисидаги диплом  
маълумотлари ҳамда иш стажини тасдиқловчи маълумотларни масъул  
давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда “Электрон  
хукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб  
олади.

**12.** Экспертлар гурӯҳи 9 кишидан иборат таркибда Агентлик директорининг  
буйруғи билан тасдиқланади.

**13.** Экспертлар гурӯҳи раҳбари Экспертлар гурӯҳи аъзоларининг биринчи  
йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан Экспертлар гурӯҳи аъзоси  
ҳисобланувчи фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан  
сайланади.

### **3-боб. Экспертлар гурӯхининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

**14.** Қўйидагилар Экспертлар гурӯхининг вазифалари ҳисобланади:  
Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш  
натижаларини белгиланган муддатларда ва сифатли кўриб чиқиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақидаги холосани ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини тақдим этиш.

**15.** Экспертлар гуруҳи қуйидаги ҳуқуқларга эга: дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш бўйича Агентликка таклифлар киритиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ўз фикрларини билдириш;

электрон платформани такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича Агентликка таклифлар киритиш.

**16.** Экспертлар гуруҳи қуйидагиларга мажбур: ўз фаолиятини вижданан ва холислик тамойилларига таянган ҳолда амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Тартиб талабларига қатъий риоя қилиш;

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш вақтида ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда мазкур ҳолатлар юзага келган тақдирда бу ҳақида Экспертлар гуруҳи раҳбарига маълум қилиш;

коррупцияга қарши курашиб ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилингунга қадар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу ҳақида чиқишлилар қилмаслик.

#### **4-боб. Экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш**

**17.** Агентлик Экспертлар гуруҳининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ўз биносидан стол, стуллар, компьютер, сканер, ўқув ва илмий жиҳозлар ҳамда стационар телефон алоқаси билан жиҳозланган тегишли хоналарни ажратиб беради.

**18.** Экспертлар гуруҳи раҳбари ишни самарали ташкил этиш мақсадида дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳининг барча аъзолари томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди, Экспертлар гуруҳи йиғилишларини чақиради ва унга раислик қиласди, Экспертлар гуруҳи аъзоларига ўз фикрларини тақдим этиш муддатини белгилайди.

**19.** Экспертлар гуруҳи аъзолари белгиланган муддат ичида давлат ташкилотларининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади. Бунда, Экспертлар гуруҳига қўшимча материаллар зарур бўлган тақдирда ушбу маълумотлар Экспертлар гуруҳи раҳбарининг сўровига кўра Агентлик томонидан дарҳол тақдим этилиши лозим.

**20.** Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳининг барча аъзолари томонидан кўриб чиқилгач Экспертлар гуруҳи йиғилиши чақирилади.

**21.** Экспертлар гуруҳининг йиғилиши, агар унда Экспертлар гуруҳи аъзоларнинг камида беш нафари (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Бунда, Экспертлар гуруҳининг йиғилишида иштирок этмаган гуруҳ аъзосининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хulosаси ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижалари (агар тақдим қилган бўлса) кўриб чиқилади.

**22.** Экспертлар гуруҳи аъзоларининг хulosса ва муқобил рейтинг баҳолаш натижалари Экспертлар гуруҳида овоз бериш натижаларига кўра шакллантириладиган фикр сифатида тақдим этилади. Овозлар тенг бўлиб қолганда гуруҳ раҳбарининг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Экспертлар гуруҳида қабул қилинган қарорга қўшилмаган гуруҳ аъзоси ўз фикрини алоҳида билдириш ҳуқуқига эга.

**23.** Экспертлар гуруҳи ҳар йили 15 февралга қадар дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш бўйича қўйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади:

дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хulosса;

муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.

**24.** Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хulosса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини ҳар йили 20 февралга қадар пухта таҳлил қиласи.

Бунда, Агентлик Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хulosса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижалари якуний баҳолаш натижаларида

инобатга олинганлиги ёки инобатга олинмаганлиги тўғрисида гуруҳ раҳбарини хабардор қилиши лозим.

### **5-боб. Экспертлар гуруҳи фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш**

**25.** Экспертлар гуруҳи раҳбари гуруҳ фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чоралар кўришга масъул ҳисобланади.

**26.** Эксперлар гуруҳи ишида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида гуруҳ аъзосига кўриб чиқиш учун ўзи фаолият юритаётган ёки илгари ишлаган давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари тақдим этилмайди.

**27.** Экспертлар гуруҳи аъзоси қуидаги асосларга кўра, у ёки бу давлат ташкилотини дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқиша ҳолисликни таъминлай олмайман деган хulosага келган тақдирда, ўзини ушбу давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқишдан озод қилиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига таклиф киритиши мумкин:

ушбу давлат ташкилотида эксперт яқин қариндошининг фаолият юритиши;

экспертнинг ушбу давлат ташкилотининг жамоатчилик тузилмаларига аъзо эканлиги;

тегишли давлат ташкилотининг лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва бошқа давлат хизмати кўрсатиш фаолияти билан экспертнинг боғлиқлиги мавжуд бўлса.

Бунда, Экспертлар гуруҳи раҳбари томонидан ушбу экспертга манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган давлат ташкилотининг дастлабки рейтинг баҳолаш натижалари тақдим этилмаслиги лозим.

### **6-боб. Якуний қоида**

**28.** Ушбу Тартиб бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИНДИКАТОР КЎРСАТКИЧЛАРИ**

<b>Индикатор номи</b>	<b>Хуқуқий асос</b>
1.1.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва ўз вақтида янгилаб борилиши	ISO 37001:2016 халқаро стандарти 10.2-банди (Доимий яхшилаш)
Коррупцияга қарши курашиш сиёсати	ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5.2-банд
Манфаатлар тўқнашувини бошқариш ҳақида низом	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 21-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг А 8.3-банди (Манфаатлар зиддияти)
Одоб-ахлоқ қоидалари	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда; Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқишни ташкил этиш тўғрисида услубий кўрсатмалар	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банд (Хабардорлик ва ўқитиш)
Коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларини қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 26-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 23-25-бандлари.
Коррупциявий хавф-хатарларни аниqlаш ва баҳолаш услубиёти	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 2-банди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 9-банди ISO 37001:2016 халқаро стандарти 4.5-банд (Пора олиш-бериш таваккалини баҳолаш)

Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти	<p>“Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун, 291-модда; Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги низом (рўйхат рақами, 3319, 08.09.2021 й.) ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5.1.1 (m), 5.3.2 (d), 9.2.2 (a), 9.4-бандлари</p>
Контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 23-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.2-бандлари</p>
Номзодларни текшириш бўйича йўриқнома	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 3-банди</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг 8.1-банди (Ходимларнинг мажмуавий текшируви)</p>
Ходимлар томонидан коррупцион ҳаракатлари бўйича ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганилик билан боғлиқ расмий текширувларни ўтказиш регламенти	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 19, 25-моддалар</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.10-банди (Пора олиш-бериш муаммоларини тергов қилиш ва уларни хал қилиш)</p>
Давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 23-модда; “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун 13-модда</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг А.12-банди (Номолиявий назорат)</p>
1.2.1.1. Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари: камида 4 та алоқа каналининг (расмий веб-сайт, телеграм бот, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа, ишонч телефони) ташкил этилганлиги	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 26-модда;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 23-25-бандлари</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.9-банди (Коррупция ҳақида хабардор қилиш)</p>

1.2.1.2. Расмий веб-сайтида ва бошқа ОАВларда коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларнинг, шунингдек коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатларнинг жойлаштирилганлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 4-банди
1.2.1.3. Расмий веб-сайтда коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги йиллик ҳисоботнинг мавжудлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 4-банди
1.2.2.1. Кадрларни вакант ўринларга танлов асосида қабул қилиш тизимининг мавжудлиги	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда;  Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармонининг 2-банди;  Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 1-банди
1.2.2.2. Расмий сайтда ишга қабул қилиш, ротация тўғрисидаги эълонлар ва ахборотларнинг мавжудлиги	Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган талабларнинг 1-банди
1.2.2.3. Меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартларнинг киритилганлиги	ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.2.2.1-банд
1.2.2.4. Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслигини кафолатловчи механизмининг мавжудлиги	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 28-модда; Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.9-банди (Коррупция ҳақида хабардор қилиш)

1.2.3.1. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириш	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 21-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг А 8.3-банди (Манфаатлар зиддияти)
1.2.3.2. Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 3-банди ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг 8.1-банди (Ходимларнинг мажмуавий текшируви)
1.2.3.3. Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 21-модда  ISO 37001:2016 халқаро стандарти қўлланмасининг А 8.3-банди (Манфаатлар зиддияти)
1.2.3.4. Контрагентлар устидан ўтказилган текширувлар сони	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 23-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.2-бандлари
1.2.4. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равиша мониторинг ўтказиш	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда;  Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 2 ва 21-банди; ISO 37001:2016 халқаро стандарти 9.1-банди (мониторинг, щлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш)
1.2.4.1. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларнинг мавжудлиги	“Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун, 291-модда;  Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги низом (рўйхат рақами, 3319, 08.09.2021 й.)  ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5.1.1 (m), 5.3.2 (d), 9.2.2 (a), 9.4-бандлари
1.2.4.2. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича режадаги тадбирларнинг бажарилганлиги	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда

<p>1.2.4.3. Алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупцияга оид хабарлар бўйича ва мониторинг натижаларига кўра коррупцион ҳаракат деб ҳисобланган ҳолатлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказилганлиги.</p>	<p>“Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда;</p> <p>“Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 26-модда;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши кураиш давлат дастурининг 23–25-бандлари</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти 8.10-банди (Пора олиш-бериш муаммоларини тергов қилиш ва уларни хал қилиш)</p>
<p>Коррупцияга қарши кураиш қонунчиликни бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, норматив-хукуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланганлиги.</p>	<p>“Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда; “Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 26-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши кураиш давлат дастурининг 23–25-бандлари</p>
<p>Давлат органларида тасдиқланган коррупцияга қарши кураиш назорат ва процедураларнинг бузилиш ҳолатлари (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида) аниқланганлиги.</p>	<p>“Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 19-модда; “Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун, 26-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши кураиш давлат дастурининг 23–25-бандлари</p>
<p>1.2.4.4. Коррупцияга оид қонунчилик ва ички идоравий талабларни бузган ходимларга қўлланилган жазолар</p>	<p>Меҳнат кодекси; “Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида”ги қонун 27-модда</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти 10.1-банди (номувофиқлик ва корекцияловчи ҳаракат)</p>
<p>2.1. Ташкилотнинг барча функциялар ва вазифаларида коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш бўйича баҳолаш ўтказилганлиги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши кураиш давлат дастурининг 2-банди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши кураиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 9-банди.</p> <p>ISO 37001:2016 халқаро стандарти 4.5-банд (Пора олиш-бериш таваккалини баҳолаш)</p>

<p><b>2.2. Аниқланган коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилган чоралар</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 2-банди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 9-банди. ISO 37001:2016 халқаро стандарти 4.5-банд (Пора олиш-бериш таваккалини баҳолаш)</p>
<p><b>3.1. Давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ходимлар ва жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашишга оид мурожаатининг мавжудлиги, унинг ходимлар эътиборига етказилганлиги</b></p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 19-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5-банди (Раҳбариёт)</p>
<p><b>3.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаларни зарур ресурслар, штат бирликлари ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самараали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5.1.1 (d)-банди</p>
<p><b>3.3. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг, уларнинг ўринбосарларининг ОАВ ва тадбирлардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чиқишлиари</b></p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 16-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 5-банди (Раҳбариёт)</p>
<p><b>4.1.1. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар билан танишганлик ҳолати</b></p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банди (хабардорлик ва ўқитиш)</p>
<p><b>4.2.1. Сўнгги икки йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимларнинг билим кўнилмалари оширилганлиги</b></p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банди (хабардорлик ва ўқитиш)</p>
<p><b>4.2.2. Идора ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича маҳсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги</b></p>	<p>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банди (хабардорлик ва ўқитиш)</p>

4.2.3. Янги ишга қабул қилинган ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўнималарини ошириш тизимининг мавжудлиги	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банди (хабардорлик ва ўқитиш)
4.2.4. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш:	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.3-банди (хабардорлик ва ўқитиш)
барча ходимлар учун;	
рахбарият учун;	
алоҳида юқори даражада коррупцион хавфга эга булган функцияларни бажарувчи бўлимлар учун.	
5.1. Коррупцияга қарши кураш мавзусида ташкил этилган тадбирлар сони	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 16, 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.4-банди (ахборот алмашиш)
5.2. Коррупцияга қарши кураш мавзусида ташкил этилган тадбирларнинг қамров даражаси	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 16, 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.4-банди (ахборот алмашиш)
5.3. Тарқатилган коррупцияга қарши курашишга оид кўргазмали материаллар, қўлланмалар, ижтимоий аудио, видео роликлар сони	“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 16, 17-модда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.4-банди (ахборот алмашиш)

**4-ИЛОВА**

ҚММБ: 10/21/3319/0856-сон  
08.09.2021 й.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 3319  
2021 - vil 08 - sentabr

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги  
намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карорига мувофик буораман:

1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофик тасдиқлансан.
2. Мазкур бўйрук расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор



Бурханов А. Э.

Тошкент ш.  
2021 йил 06 сентябрь,  
27 сон

Келишилди:

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**



Рафиков К.М.

Тошкент ш.  
2021 йил 26 август,

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазiri**



Хусанов Н. Б.

Тошкент ш.  
2021 йил 25 август,

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга  
қарши курашиш агентлиги  
директорининг  
2021 йил 6 сентябрдаги  
27-сон бўйруғига  
ИЛОВА

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ

### НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг (бундан буён матнда Назорат тузилмалари деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низомда давлат органлари ва ташкилотлари деганда – давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) тушунилади.

2. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлариiga, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлариiga, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга, ўзлари фаолият юритаётган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг қарорлари, бўйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қиласди.

3. Назорат тузилмалари ўз ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

## **2-боб. Давлат органлари ва ташкилотларининг назорат тузилмаларини ташкил этиш**

4. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига (кузатув кенгашига) бўйсунади.

5. Назорат тузилмалари раҳбарлари ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

6. Назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

7. Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбаритाъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

8. Қўйидагилар Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Назорат тузилмаси раҳбарининг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

**9.** Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, тегишли ташкилотга Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишини келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

### **3-боб. Назорат тузилмаларининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари**

**10.** Назорат тузилмаларининг асосий мақсади ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида (бундан буён матнда ташкилот тизими деб юритилади) коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

**11.** Қуйидагилар Назорат тузилмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

12. Назорат тузилмалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

ташкилоттизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ташкилот раҳбарига киритади;

ташкилотнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкилотда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

ташкилот томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали ташкилот ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласида ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

ташкilotда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактлариiga доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва ташкilot билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

ташкilot ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган маҳсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни ташкilot ходимларига етказади;

ташкilot фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкilotда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ҳар чоракда ва ташкilot раҳбари талабига кўра ташкilotда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида ташкilot биринчи раҳбарига маълумот киритиб боради;

в) ташкilotда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкilotга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

ташкilot тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

ташкilot ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ташкilot ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ ташкilotнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат килади;

ташкilot тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

ташкilotнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидағи саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

ташкilot тизимидағи ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкilotнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича иччиҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қиласди;

ташкilot тизимидағи коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартиба солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

ташкilot тизимидағи коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма(шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича

ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ташкилот фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан ташкилот зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласи.

Назорат тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

**13. Назорат тузилмаларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.**

#### **4-боб. Назорат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**14. Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хуносаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимиға ёзма қўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Назорат тузилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**15.** Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш;

Назорат тузилмалари ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**16.** Назорат тузилмалари ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренингларда иштирок этади. Ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренинглар ташкилот ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

**17.** Назорат тузилмаси фаолиятининг натижадорлиги ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Назорат тузилмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Назорат тузилмаси фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

## **5-боб. Якуний қоидалар**

**18.** Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**19.** Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандликвамеҳнатмуносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

## **МАЗКУР ҚҰЛЛАНМАНИ ЯРАТИШДА ҚУЙИДАГИ ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ:**

1. "ISO 37001 - Anti-bribery management systems"//[Электрон манба].  
**URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>;**
2. "ISO 19600:2014 Compliance management systems-Guidelines"//  
[Электрон манба].  
**URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342>;**
3. Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance.  
[Электрон манба].  
**URL: <http://www.oecd.org.pdf>;**
4. Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977// [Электрон манба].  
**URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/statute-91/pdf/statute-91-pg1494>;**
5. Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility.//Public law 107. 4-july 30, 2002// [Электрон манба].  
**URL: <https://www.sec.gov/html#sox2002>.**
6. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба].  
**URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf);**
7. UK Bribery Act of 2010// [Электрон манба].  
**URL: <http://www.legislation.gov.uk>;**
8. Adequate Procedures – Guidance to the UK Bribery Act 2010 //  
[Электрон манба].  
**URL: <https://www.transparency.org.uk>;**
9. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing– M.: Infotropic media, 2019 – P.36.  
[Электрон манба].  
**URL: <https://shop.infotropic.ru>.**

## **Миллий қонунчиллик манбалари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни// [Электрон манба].  
**URL: <https://lex.uz/docs/3088008>;**
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба].  
**URL: <https://lex.uz/docs/4355387>;**
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бүйіча құшымча чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони//[Электрон манба].  
**URL: <https://lex.uz/pdfs/4875784>;**
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони  
**URL: <https://lex.uz/docs/5495529>;**
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир құшымча чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори  
**URL:<https://lex.uz/docs/5495533>;**
6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 27-сонли бўйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тұғрисидаги намунавий низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319).  
**URL: <https://lex.uz/ru/docs/5621185>.**

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИ ЖОРӢЙ ЭТИШ БӮЙИЧА ҚӮЛЛАНМА**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,  
2022.-92 б.

### **ЛОЙИХА РАҲБАРИ:**

А.Бурханов

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

Т.Хайдаров, У.Бердиқулов, Ш.Сапаров, С.Маманов,  
М.Мадрахимова

### **ЭКСПЕРТЛИК КӮМАГИ:**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури

© Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,  
2022 й.

**Биз билан боғланиш:  
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

100070, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 8А, (71) 202-04-02



Тел.:  
**(71) 202-04-02 (232).**



Вебсайт:  
**www.anticorruption.uz**



Электрон почта:  
**info@anticorruption.uz**

**УҮК 328.185(07)  
КБК 66.3(5Ý)  
К 70**

**ISBN 978-9943-7482-0-0**

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимиға оид маълумотлар қўлланмаси (янги таҳрирда) [Матн] : амалий қўлланма/тузувчилар А. Бурханов, Т.Хайдаров, У.Бердиқулов, Ш.Сапаров, С.Маманов, М.Мадрахимова - Тошкент: Baktria press, 2022. - 92 б.

Муҳаррир: У.Раджабова  
Дизайн ва компьютер тайёрловчи: А. Сурский

Босишига руҳсат этилди 24.05.2022 й. Бичими 70\*100 1/16  
“Roboto” гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи 3,7.  
Буюртма №276.  
Адади 250 нусха.

Нашриёт уйи “BAKTRIA PRESS”  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: [baktriapress@gmail.com](mailto:baktriapress@gmail.com)

“PRINT MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Тел: +998 (71) 233-03-21







ISBN: 978-9943-7482-0-0



9 789943 748200



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛIGI

**Мазкур нашр Конрад Аденауэр жамғармасининг  
Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида чоп этилди.**